O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 12-avgust • Seshanba • 95 (27.900) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Олимпиада сизга ўз маҳорат ва истеъдодингиз баробарида, ўзбек халқининг куч-қудратини намойиш этишингиз учун яхши имкониятдир. Сиз Ўзбекистон спортчилари ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодир эканини кўрсатишингизга, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилишингизга ишонаман.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 8-9 август кунлари Пекин шаҳрида бўлиб, XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари 9 август куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорлик суръатини юксак баҳолаши ва қадрлашини, мамлакатларимиз ШҲТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашини қайд этди. Муносабатларимиз 2005 йили Пекинда имзоланган стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ислом Каримовни ўзининг дўсти деб атар экан, давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон сиёсий ва гуманитар соҳаларда Хитойни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдирди. Хусусан, жорий йил май ойида Сичуань вилоятида юз берган зилзиладан кейин мамлакатимиз кўрсатган инсонпарварлик ёрдамини юксак қадрлашини қайд этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги ҳамкорлик ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари XXIX ёзги Олимпиаданинг очилиш маросимига таклиф этилгани, Пекиндаги учрашувда ХХР Раиси бу дўстликни яна бир бор алоҳида таъкидлагани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар йўлга қўйилган. Икки давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саммитлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб турадилар.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қулайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 750 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш юритади.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фоизсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШҲТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа кўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ долларига тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги имкониятларини юзага чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди. 2007 йил январда Шанхайда ўтказилган Ўзбекистон савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдимотида ҳам қарийб шунча хитойлик бизнес вакили қатнашди.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қиляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдосаноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда ташкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекинда ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик доирасида мунтазам равишда фотокўргазмалар, маданият кунлари каби маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Талабалар алмашуви, мутахассислар малака ошириши йўлга қўйилган. 2005 йили Тошкентда Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти, 2007 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида хитой тили маркази очилди. 2005 йилнинг сентябридан Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда тузилган «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Дяоюйтай» қароргоҳида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, бугунги учрашув ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди.

Президентларнинг суҳбатида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланиши, бугунги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилиши муштараклигидан далолат эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон — Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг яққол тасдиғи сифатида олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари жорий йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, бир қатор музокаралар ўтказди. Ушбу сафар асносида Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни анъанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу самимият негизида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги мужассам.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги халқаро сиёсат майдонидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун замин бўлмоқда.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 850 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Корея Республикаси сармояси иштирокида тузилган 313 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Кореянинг 73 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Мутахассислар жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард долларга етишини таъкидламоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилиб, ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бораётгани, сармоя оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Сеулдаги сўнгги музокараларда Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг Корея сармояси киритишга келишиб олинган.

(Давоми 2-бетда)

РИШОД СОБИРОВ — ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ

Пекинда ўтказилаётган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган дзюдо беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ришод Собиров (60 кг.) фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди

Аввл хабар қилганимиздек, шу йилнинг 8 август куни Хитой пойтахти Пекинда тўрт йилда бир маротаба ўтадиган сайёрамизнинг энг нуфузли мусобақаси — XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақа дастуридан жой олган эркаклар ва аёллар ўртасидаги футбол баҳсларига бундан икки кун илгари старт берилганди. 9 августдан бошлаб эса бошқа турлар бўйича ҳам мусобақалар бошлаб юборилди.

Спортнинг ўттиздан ортиқ турлари бўйича беллашувлар ўтказилаётган Пекин олимпиадасида дунёнинг 205 давлати спортчилари қаторида мустақил Ўзбекистон йигит-қизлари ҳам юнонрум ва эркин кураш, теннис, бокс, дзюдо, таэквондо (WTF), енгил атлетика, сузиш, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, ўқ отиш, академик эшкак эшиш сингари турлар бўйича медаллар учун кураш олиб боришмоқда.

Дзюдо беллашувларида мамлакатимиз шарафини эркаклар ўртасида олти, қизлар баҳсида икки нафар спортчимиз ҳимоя қилмоқда. Мусобақанинг дастлабки кунида 60 кг. вазн тоифасида беллашувлар ўтказилди. Унда бухоролик Ришод Собиров гиламга чиқди. 1986 йил 11 сентябрда туғилган бу дзюдочимиз номи спорт мухлисларига яхши таниш. Ришод шу йил Бухоро давлат университети жисмоний маданият факультетини муваффақиятли тамомлади.

4-бет

САРИОСИЁ НУРХОНАСИ

Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган «Тўпаланг» гидроэлектростанциясида арзон электр энергия ишлаб чиқариш баробарида воҳанинг 20 минг гектардан ортиқ майдонлари ҳам обиҳаётдан баҳраманд бўлмоқда

Истиқлол шарофати билан қурилиши бошланган «Тўпаланг» гидроэлектрстанцияси нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам машҳур. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан тамал тоши қўйилган ушбу қудратли иншоотда ўтган йиллар давомида улкан ишлар амалга оширилди. Қўш тоғнинг қуйи қисми жиловланди. Бу ердаги тўғоннинг умумий баландлиги 118 метрга етган. Узунлиги қарийб 14 километр, эни 80-100 метр келадиган кўлнинг ложувард суви мавжланиб турибди.

2006 йилнинг 15 июнида мазкур сув омборининг бош тўғони яқинида 15мВТ гидрогенераторлар электр қуввати бера бошлаганди. Ўша йили 34 миллион кв. соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 61,5 миллион кв. соатга етказилган.



2-бет

ЎзХДП вилоят кенгашларида

ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Партиямизнинг Бухоро вилоят кенгашида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиш борасида бошланғич партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

— Тайёргарлик жараёнида асосий вазифа — мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари учун эркинлик ва озодлик олиб келган энг улуғ, энг азиз байрам эканини партиямиз электорати орасида кенг тарғиб қилишдан иборат, — деди Бухоро вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева. — Ҳозирда тарғиботчилар гуруҳи аъзолари жойларда маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар ўтказмоқда. Бу тадбирлар Бухоро шаҳри, Вобкент, Ғиждувон ва Қоракўл туманларида юқори савияда ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирларда «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари фаол қатнашмоқда. Улар Вобкент туманидаги Кўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Ғиждувондаги Ғишти иқтисодиёт коллежида мустақиллик тенгдошлари билан учрашув, «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзуидаги давра суҳбатлари ўтказишди. Яна кўплаб байрамолди тадбирлар режалаштирилган.

Бундан ташқари, туман кенгашларида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деб номланган фотокўргазмалар ҳам ташкил этилмоқда. Шунингдек, партия кенгашлари қошидаги Ахборот-ресурс марказларида байрамга бағишланган махсус бурчаклар ташкил этилган.

Йиғилишда бу ишлар барча ерда ҳам талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Жумладан, Ромитан, Олот, Бухоро, Шофиркон туман партия кенгашлари бу борада ўзибўларчиликка йўл қўйган. Партия фаоллари томонидан омма орасида мустақиллигимиз мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Шу боис байрамга ҳар томонлама юксак тайёргарлик кўриш борасида партия кенгашларига тавсиялар берилди. Мустақиллик ҳамда ЎзХДП ғояларини тарғиб қилувчи паннолар, кўргазмали ташвиқот воситаларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазирининг ташрифи чоғида Тошкентда ўтказилган бизнес-форумда эса нефть-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. 2008-2011 йиллар давомида Ўзбекистонга 120 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ҳадли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илм-фанни ривожлантириш муассасалари, «Асакабанк» билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорликка доир ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги конларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий қилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. «UzKorGasChemical» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Устюртдаги Сурғил конида геология-разведка ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу қўшма корхона Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойидаги давлат ташрифи чоғида «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») билан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистон — Корея ҳамкорлиги юқори технологиялар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айни пайтда барқарор, юқори даромад келтирадиган соҳаси саналган автомобилсозлик саноатини ишга туширишда кореялик шериклар билан алоқалар муҳим ўрин тутади. Айни пайтда саноатнинг бошқа соҳаларида юқори технологияли тармоқлар, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида ўзаро ҳамкорликда очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожида «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида кореяшунослик кафедралари ташкил этилиб, 112 мактабда корейс тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўзаро муносабатларнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Пекиндаги Олимпия шаҳарчасида ушбу нуфузли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари билан учрашди.

Президентимиз спортчиларимизни бардам ва тетик руҳда кўрганидан мамнуният изҳор этиб, уларнинг яшаш, машқ қилиш шароити билан қизикди. Олимпиаданинг очилиш маросимида Ўзбекистон жамоаси биринчилар қаторида стадионга кириб келгани халқимиз ғурурига ғурур қўшишини таъкидлади.

— Сиз зиммангизга олган вазифа нечоғли мураккаб ва оғир эканини барчамиз яхши англаймиз, — деди Ислом Каримов. — Шу билан бирга, сизнинг миссиянгиз ғоят шарафли эканини ҳам таъкидламоқчиман. Зеро, бундай вазифани ўз зиммасига олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун нечоғли машаққатли синовлардан ўтганингизни, тинимсиз машқлар орқали тана ва руҳингизни чиниқтириб, маҳоратингизни юксалтирганингизни барчамиз яхши биламиз. Олимпиада сизга ўз маҳорат ва истеъдодингиз баробарида, ўзбек халқининг кучқудратини намойиш этишингиз учун яхши имкониятдир. Сиз Ўзбекистон спортчилари ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодир эканини кўрсатишингизга, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилишингизга ишонаман.

Дзюдо бўйича аёллар жамоаси мураббияси Неля Киямова, енгил атлетикачи Бобур Шокиржонов Президентимизга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юксак эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Пекинга ташрифи ниҳоясига етди. Сафар асносида бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистоннинг Хитой ва Корея Республикаси билан муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган бўлса, спортчиларимиз билан учрашув уларни Олимпиада мусобақаларида юксак зафарларни қўчишга ундайди. Шу жиҳатдан Президентимизнинг Пекин ташрифи ғоят самарали ва хайрли бўлди. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида 9 август куни ҳамюртимиз Ришод Собиров дзюдо бўйича 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида францялик рақибини доғда қолдириб, бронза медалига сазовор бўлганини айтиш мумкин.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Пекин – Тошкент.



САРИОСИЁ НУРХОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— «Тўпаланг» гидроэлектростанцияси бебаҳо бойлик тимсоли, — дейди **муҳандис Алишер Жабборов.** — Бу ердаги электр энергия жаҳондаги турдош корхоналарга қарагандa беш баробар арзон. Қолаверса, Ҳисор тоғ тизмалари бағридан келаётган сув вилоятнинг 20 минг гектардан ортиқ майдонларини ҳам оби-ҳаёт билан таъминлайди.

...Жорий йилнинг ўтган ойларида 50 миллион кв. соатдан ортиқ энергия истеъмолчиларга етказиб берилган бўлса, йил охиригача буни 90 миллион кв. соатга етказиш кўзда тутилган.

— Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган «Ҳисорак» бугун ўзгача, — давом этади **смена бошлиғи Асрор Улуғов.** — Умумий майдони 5,5 гектарни ташкил этадиган станциямизни бетакрор бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин. Бир томонда улкан тўғон қурилиши жадал давом этаётир, бир томонда эса 50 нафарга яқин тажрибали энергетиклар ўз вазифаларини астойдил бажаришмоқда. У тўлиқ фойдаланишга топширилгач, кўплаб янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Ўтган йиллар давомида Россия, Қозоғистон, Украина, Хитой ва бошқа хориж мамлакатларидан келган мутахассислар ўзбек йигитлари амалга ошираётган ишларга юксак баҳо беришганди. Келажакда мазкур нурхона мамлакатимиздаги қудратли иншоотлардан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, айни кунларда ҳам мажмуадаги бунёдкорликлар қизғин давом этаётир. Асосий мақсад тўғон баландлигини 188 метрга етказиш. Яқин йилларда эса қуввати 35 мВТлик иккита гидрогенераторлар қурилади. Бу нафақат Сурхон воҳаси, балки мамлакатимиз иқтисодининг ривожланишида ҳам камарбаста бўлиши муқаррар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратларда: *«Тўпаланг» гидроэлектростанцияси фаолиятидан лавҳалар.*
Сафарали ЭШМИРЗАЕВ олган суратлар.

Изланиш, тадқиқот ва амалиёт

МУВАФФАҚИЯТ

Мамлакатимизда ғўза уруғчилиги, пахта нави ва тола сифатини ошириш

Сўнгги йилларда республикамизда пахтанинг янги навларини яратиш, ҳудудларнинг иқлим шароитига мос навларни танлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётир. Бироқ, пахта етиштирувчи фермерлар орасида ғўза селекцияси ва уруғчилиги тўғрисида айрим эътирозлар бўлаётгани ҳам бор гап. Навларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда микронейр кўрсаткичлари, яъни дағаллиги сабаб нафақат пахтани қайта ишлаш саноати мутахассисларини, балки хорижий истеъмолчиларнинг ҳам норозиликларига сабаб бўларди. Бу ўз навбатида толанинг жаҳон бозоридаги нархига ҳам таъсир кўрсатарди.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан соҳа мутахассислари олдига 110-120 кунда пишиб етиладиган эртапишар, тола сифатли, юқори ҳосилдорликка эга, ҳар бир ҳудуд ўз тупроқ иқлим шароитларига мос навларни танлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётир. Бироқ, пахта етиштирувчи фермерлар орасида ғўза селекцияси ва уруғчилиги тўғрисида айрим эътирозлар бўлаётгани ҳам бор гап. Навларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, олимларимиз томонидан яратилаётган айрим навларнинг тола чиқими, сифати талаб даражасида эмаслиги, тупроқ иқлим шароитларига бир хилда мослашиш хусусиятининг пастлиги ҳақида фикрлар айтилмоқда.

Шу ўринда, табиий савол туғилади: мамлакатимизда пахта уруғчилиги билан боғлиқ ишлар бугун қай аҳволда? Олимларимиз томонидан яратилаётган янги навлар илгаригиларидан нимаси билан фарқ қилади? Кейинги йилларда қандай истиқболли навлар яратилди?

Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти бош директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Алишер АМАНТУРДИЕВ:

— Пахтачилик хўжаликларини юқори сифатли, турли касалликларга чидамли сара уруғлик чигит билан таъминлаш — ҳосилдорликни оширишнинг асосий негизи. Шу жиҳатдан ҳам меҳнати самарасиз кетмаслиги учун деҳқон ҳамиша ғўзанинг серҳосил навларини экиш пайида бўлади. Илгари, тўғрироғи, бундан 10-15 йил бурун толаси жаҳон бозорида харидоргирлиги бўйича биринчи гуруҳга мансуб пахта навлари тупроқ иқлим шароитларига мослашувчан эмаслиги, кечпишарлиги боис, умумий пахта майдонининг 20 фоизи атрофида экилиб келинар, айниқса, чиқими 38-42 фоизли ва узунлиги 33-34 миллиметрли бўлган IV-V типга мансуб, толаси жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифалари қўйилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлганларида ҳар қайси вилоят, ҳар бир ҳудуд ўз тупроқ иқлим шароитларига мос янги, энг мақбул ҳосилдор навларга эга бўлиши, селекционер олимлар эса айнан ушбу йўналишда изланишлар олиб бориши, селекция жараёнининг узлуксиз тизимини яратиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, нав пахтачиликни ривожлантириш, гектар ҳосилдорлигини ошириш, сарф-харажатларни қисқартиришнинг асосий омилларидан бири бўлганлиги боис, уларни танлаб олиб, маълум ҳудудларга жойлаштириш пахтачиликда ўзига хос муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда пахтачилик соҳасидаги баъзи бир муаммоларни хусусан, ғўза селекцияси ва уруғчилигида тезроқ бартараф этиш чоралари кўрилаётгани яхши самара бермоқда. Натижада, кечпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамсиз, тола сифати талаб даражасида бўлмаган навлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланмоқда.

Қолаверса, яна бир муҳим жиҳат — ғўза навларининг аралашиб кетмаслиги учун бугунги кунда ҳар бир вилоятда 5 та, туманларда 2 та, фермер хўжаликларида биттадан ортиқ ғўза навларини жойлаштирмаслик белгиланди. Бу эса ўз навбатида уруғлик чигитнинг тозалиги ва сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир мамлакатимиздаги пахтачилик хўжаликларида аввалгидай 32-34 та эмас, жами 20 та нав экилмоқда. Бунда, албатта, ҳудудлардаги тупроқ иқлим шароити ҳисобга олинади. Айни дамларда хўжаликларда етиштирилаётган, сўнгги йилларда мамлакатимиз асосий пахта майдонларини эгаллаб келаётган, «С-6524», «Бухоро-6», «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2», «Омад», «Бухоро-8», «Бухоро-102», «С-4727», «Андижон-35» каби ғўза навларининг тола сифати жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бераётир.

Шундай бўлса-да, тезпишар, серҳосил, юқори тола сифатига эга ҳамда турли минтақа тупроқ иқлим шароитларига мос янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳали-ҳануз ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республикамиз Президентининг **«Пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»**ги қарори талаблари асосида институтда яратилган навлар экин майдони 2006 йилда 511 минг гектарни ташкил этган бўлса, ўтган 2007 йилда мамлакатимизнинг 532,1 минг гектар пахта майдонларини эгаллади. Жорий йилда бу рақам 548 минг гектарни ташкил этаётир...

Мазкур институтнинг **илмий котиби, биология фанлари номзоди Мирваҳоб МИРАҲМЕДОВ сўзидан:**

— Бугунги кунда янги серҳосил пахта навларини яратиш ишлари билан асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ҳамда пахтачилик илмий-тадқиқот институтлари

ЎзХДП маҳаллий матбуоти

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАЪСИРЧАН МАНБАИ

оммавий ахборот воситаларидир

(Маҳаллий партия кенгашлари газеталари обзори)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда партия маҳаллий матбуотининг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, Ўзбекистон ХДП минтақавий кенгашлари муассислигида чоп этилаётган «Қарақалпақстан ҳаўзы» (Қорақалпоғистон), «Халқ иродаси» (Наманган), «Халқ йўли» (Сурхондарё), «Халқ ишончи» (Навоий) газеталари бугун жойларда партия ташкилотлари фаолияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ёритишда ўз сўзига эга бўлмоқдалар.

Нашрларда Ўзбекистон ХДП мафкуравий тамойилларини электорат орасида кенг тарғиб қилиш, партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифалари, тузилмалари, депутатлик гуруҳлари фаолиятига доир қатор мақолалар эълон қилинмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури, унинг моҳияти, келажак эгалари учун яратилаётган имкониятлар ва улардан оқилона фойдаланишга интилишлар, ташаббуслар кенг ёритилмоқда. Мисол учун, «Қарақалпақстан ҳаўзы» газетасининг жорий йилдаги илк сонида берилган «Жасларға итибар — келешек ушын жуўпкершилик» сарлавҳали мақолада ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари вазифалари хусусида сўз боради. Газетанинг 2-сонидаги «Жаслардын бентлигин темийинлеў — қуннин ўазыйпасы» сарлавҳали мақолада эса Ёшлар йилида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари, «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари хусусида Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Седенбай Нурманов баҳс этади.

«Халқ иродаси» газетаси ҳам ёшларга бағишланган мавзуларда долзарб мақолалар бериб келмоқда. Жумладан, «Ёшларга оид қонунчилик янги босқичда» сарлавҳали мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббат Абдуллаева ёшлар сиёсати, ёшларга оид қонунчилик ва бу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритади.

«Халқ йўли» газетасининг 19 март сонида «Ёшларга эътиборни кучайтириш лозим» сарлавҳали мақолада сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинар машғулотидан ахборот берилган. Партия фаоллари ўқувида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партиядан сайланган депутатлар ёшлар ҳаётида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатиш масалалари хусусида сўз юритади. Шунингдек, улар ўз оиласи учун жонкуярлик, ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-она ва кекса авлодга ҳурмат, эҳтиром, халқимизнинг маънавий қадриятларига содиқлик туйғуларини шакллантириш, умуман, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган вазифалар ҳақида ўз нуқтаи назарини баён этади.

Газетанинг кейинги сонларида ҳам бу мавзуда қатор мақолалар берилган.

Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон ХДП Жамоатчилик қабулхоналари алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу тузилмага бўлаётган мурожаатлардаги масалалар ўз ечимини топаётгани партиямиз хайрихоҳлари сафини кенгайтирмоқда. Маҳаллий газеталар қабулхоналар фаолиятини тўлақонли ёритишга ҳаракат қилаяпти. Ўзбекистон ХДП Кегейли туман кенгаши раиси Эркин Хожаовнинг «Жемийетлик қабиллаўхана халық хызметинде» мақоласи шулар жумласидандир. «Қарақалпақстан ҳаўзы»да чоп этилган бу мақолада туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига келаётган мурожаатлар ва уларнинг ечими борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилади. «Халқ иродаси» газетасидаги «Электр таъминотида аҳвол қачон ўнгланади?» мақоласи ҳам айнан Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаат асосида тайёрланган. Мухбир масаланинг ечимини излаб, «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ директори Тўхтабой Муллажоновга мурожаат қилади. Мутахассис аҳоли яшаш жойларида электр тармоғидаги узилишларнинг объектив ва субъектив сабаблари, яъни электр энергиясидан қарздорликнинг ошиб кетаётгани, бу эса муаммо келтириб чиқараётгани ҳақида тушунча беради. Жамоатчилик қабулхоналари ҳақидаги яна бир мақола газетанинг 2-сонида «Муаммо ҳамма жойда бўлади, муҳими уни ҳал эта билишда» сарлавҳаси остида берилган. Унда ўтган йилда Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатлар таҳлил қилинади.

«Ҳамкорларимиз фаолиятидан» рукнидаги «Ёшлар камоли — юрт истиқболи» мақоласида Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий ҳамкор ташкилотларидан бири — «Нуроний» жамғармаси маҳаллий бўлинмаси фаолияти тўғрисида сўз боради. Унда жамғарманинг Наманган вилоят кенгаши раиси турли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари хусусида сўз юритади. Аммо афсуски, ЎзХДП ташкилотлари билан қандай ишлар амалга оширилгани ҳақида фикр билдирилмаган. Мазкур газетада берилган «Электоратимиз» рукнидаги «Ўксик кўнгилларга умид бахш этиб» сарлавҳали мақолада ҳам ижтимоий ҳамкор ташкилот — Ногиронлар жамияти фаолияти ёритилган-у, партия тузилмалари билан амалий ҳамкорлик ҳақида бирон-бир гап йўқ.

«Сўз — партия лидерларига» рукнидаги «Дунё эътирофидаги «Мафкуранинг ўлчови» сарлавҳали мақолада Жарқўрғон туман партия кенгаши раиси Алишер Маматмуродов билан суҳбат эълон қилинган. Унда муаллиф туман партия кенгаши фаолияти, мафкуравий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталади.

«Халқ ишончи» газетаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп фурсат бўлгани йўқ. Газета саҳифаларида вилоятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид мақолалар «Тадбир», «Ислоҳот одимлари», «Вилоятимиз хабарлари» каби рукнлар орқали кенг ёритиб борилмоқда. Бевосита партия ҳаёти, электорат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган оммавий-сиёсий тадбирлар ҳақида материаллар эълон қилинмоқда. Жумладан, «2008 йил — Ёшлар йили», «ЎзХДП: маҳаллий кенгашларида», «ЎзХДП: вилоят кенгашида» рукнлари орқали ахборот, хабар ва турли жанрдаги бошқа мақолалар эълон қилинмоқда. Бу эса электорат орасига янада кенгроқ киириб бориш ва газетхонларнинг партия фаолияти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий нашрларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП фракцияси, депутатлик гуруҳлари ишлари ҳақида маълумот ва ахборотлар мунтазам бериб борилмоқда. Уларда электорат манфаатларини ифода этувчи қонунлар қабул қилиниши, уларнинг ҳаётга жорий этилишида депутатларнинг иштироки хусусида ҳикоя қилинади.

Шуни айтиш керакки, партия маҳаллий матбуот нашрларида камчилик ва нуқсонлар ҳам учраб туради. Бунга «Халқ йўли» газетасида эълон қилинган «Аъзолар кўпаймоқда» (2008 йил 20 июнь) сарлавҳали мусоҳабани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ёки маҳаллий партия кенгашлари газеталарида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар ҳақидаги материалларни олиб кўрайлик. Уларнинг кўпчилиги қисқа ахборот ёки қуруқ хабар тарзида берилган. Семинарларда мавзу юзасидан иштирокчилар томонидан билдирилаётган жонли фикрлар, мулоҳазалар, амалий таклифлар ёритилмаяпти.

Таҳлилий материаллар жуда кам, танқидий чиқишлар эса умуман йўқ. Газетхонлар фикрлари, таклиф ва мулоҳазалар ҳам негадир берилмаяпти. Айрим нашрларимиз дизайнини яхшилаш устида жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим.

Фикримизча, маҳаллий матбуотимизни мазмунан бойитиш, таъсирчанлигини ошириш учун минтақавий партия кенгашлари ижодкорлар билан ҳамкорликда ишлашлари, таҳририятлар моддий-техник аҳволини яхшилаши, обунани ташкил этишга амалий ёрдам бериши, журналистларни рағбатлантириб боришлари зарур.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Жаңа жылыңыз менен!
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ҲАЎАЗЫ
ГАЗЕТА 1994-ЖЫЛ 30-АВГУСТТАН ШЫҒА БАСЛАДЫ
Өзбекстан Халық-демократиялық партиясы Қарақалпақстан Республикалық шолғысының газетасы №12 (242), 2007-жыл, 28-декабрь, жума

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ!
ХАЛҚ ИРОДАСИ
1992 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
25 АПРЕЛЬ, ЖУМА 2008 йил 8-сон (630)
ЎЗБЕКИСТОН ХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун
Халқ ишончи
Ижтимоий – сиёсий газета
2008 йил, февраль, 1-сон (4)

XALQ DENGIZDIR, XALQ TO'LQINDIR, XALQ KUCHDIR!
XALQ YO'LI
IJTIMOIY-IQTISODIY VA SIYOSIY GAZETA

ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида

ва уларнинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари шуғулланмоқда. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти, Андижон пахтачилик институти, Тошкент давлат аграр университети, Ўсимликшунослик илмий-текшириш институтларида ҳам ғўза селекцияси бўйича илмий изланишлар олиб борилаётир.

Институтимизда дунёнинг 107 та мамлакатидан йиғилган ёввойи шакллар ва навлардан ташкил топган 12 мингдан зиёд намунага эга бўлган ғўза коллекцияси мавжуд бўлиб, новидан ўтмоқда. Айниқса, бу ишлар Фарғона водийси вилоятларида кенг йўлга қўйилган.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса сув танқислиги ва шўрланишга чидамли, толаси IV-типга хос истиқболли «Турон» ғўза нави жорий этилаётир. Бундан ташқари, ушбу нав Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятларида ҳам экилиб, жорий йилда экин майдонлари ҳажми 5 минг гектаргача кенгайтирилди. Андижон вилоятида тезпишар тола сифати IV-тип бўлган «С-6775» янги ғўза навининг дастлабки уруғчилик Фарғона вилоятларида синалиб, экин майдонлари кенгайтирилаётир. Янги «С-8284» ғўза нави эса Тошкент, Самарқанд вилоятларида экиб кўрилмоқда. Жорий йилда 30 та янги навларимиз Давлат нав синаш участкаларида синовдан ўтаётир.

— Республикамизнинг жанубий ҳудудларида ғалладан бўшаган майдонларда эртапишар ғўза навларини кўпроқ экиш орқали ҳам пахтадан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд, — дейди **Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Убай Мадрайимов.** — Лекин ҳар қандай нав экилмасин, парваришга илмий ёндашилмаса, кўзланган натижага эришиш қийин. Мамлакатимизда пахта етиштиришга мўлжалланган майдонлардан икки йил мобайнида йиғиштириб олинадиган ҳосилни бир йилда ва бир терим орқали йиғиб олишнинг ҳам қатор усуллари мавжуд. Бунинг учун пахтачилик хўжаликларида ғўза парваришида зарур бўлган агротехник тадбирлардан тўғри фойдаланиб, ишни илмий асосларда ташкил қилиш юқори самара беради.

Маълумки, пахта етиштириш жараёнида ғўзани чилпиш (чеканка) ёки бўлмаса, ғўза баргларини кимёвий йўл билан мажбурий тўкиш (дефолиация) усулларидан кенг фойдаланилади. Шундай экан, дефолиация қилинган далаларда айниқса, хлорат-магний тузи сепилган майдонларда ғўза ривожланиши тўхтайди, натижада ғўзанинг тепа қисмидаги кўсаклар шикастланиб, ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайиб кетишига олиб келади. Юқорида таъкидлаган усулимизнинг самарадорлиги шундан, унинг ёрдамида ғўзани чилпиш ва дефолиация ишларига буткул чек қўйиш мумкин. Куз мавсумида, айниқса, тунлари далаларга салқин тушиши боис, пахтани кўп маротаба теришга тўғри келади. Бунга асосий сабаб эса ғўза ишлаб чиқарадиган этилен газининг кечалари майдонларга салқин тушиши туфайли ажралиб чиқмаслигидир. Бу эса ўз навбатида ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатади ва пахтани бир неча маротаба теришга олиб келади. Республикамизда мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири юқоридаги технологияга асосланиб, кечпишар, бироқ, серҳосил навларни кўпроқ экиб, таркибида «этефон» моддаси мавжуд «Кампазан — М экстра» ёки бўлмаса, «Преп» сингари препаратларни пахта далаларига сепиб, тунлари ғўзадан ажралмайдиган этилен газини мажбуран ажратиш йўли билан ҳам юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин. Биргина мисол. **Ўтган йили Хоразм вилоятининг Гурлан туманида ушбу тажрибани қўллаш ҳисобига, муддатидан бир ой кеч, яъни 2 май куни далаларга экилган «Бухоро-8» навидан 60 центнерлик ҳосил бир теримнинг ўзидаёқ олинди.** Биз бу тажрибани имкон қадар кенгроқ ёйиш чораларини кўраяпмиз.

— Бугунги кунга келиб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси туширилган пахта толаси дунёдаги энг етакчи бўлган Ливерпуль, Нью-Йорк, Бремен, Гданьск биржаларида муносиб ўрин эгаллаётир, — дейди **«Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Акмалхўжа Иноғомов.** — Пахтани қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, уни жаҳон андозаларига мос равишда янги технологиялар билан жиҳозлаш имкониятлари яратилди. Мамлакатимиз пахта толасини ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Шундай экан, ўзбек пахтасининг шуҳратини баланд кўтариш учун барча имкониятларни ишга солиш фурсати етди, манфаатдорлик ҳисси деҳқонни ҳам, буюртмачи ва тола ишлаб чиқарувчиларни ҳам пахтачиликка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Бундан кўринадики, жаҳон бозорида ўз ўрнимизда собит қолишимиз учун энг аввало, тола сифати юқори бўлган навлар масаласига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Айни дамларда тармоқдаги айрим муаммоларни тезроқ бартараф этиш чоралари кўрилаётгани яхши самара бермоқда. Кечпишар, касалликка чидамсиз, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган навлар сони йил сайин камайтириб борилмоқда. Вилоятимиздаги кўплаб деҳқон-фермер хўжаликларида IV-V типга мансуб, толаси жаҳон бозорида харидоргир «С-6524», «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2» сингари навларни кўпроқ экишга эътибор бердик. Сабаби, бу навлар хомашёсидан тола чиқиш даражаси 32-35 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, улар вилоятимиз тупроқ иқлим шароитларига ҳам мос.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда уруғчилик, янги навлар яратиш бўйича изланишлар олиб борилаётир. Мутахассислар фикрича, ҳосил тақдири биринчи навбатда уруғ ва нав танлашга боғлиқ. Иккинчидан, ғўза парваришини ўз вақтида сифатли ўтказиш ва илғор тажрибалардан фойдаланиш зарур. Ўшанда, маҳсулот кўпаяди, тола сифати яхшиланади. Бундан хўжалик ҳам, фаолияти пахта билан боғлиқ корхоналар ҳам, мамлакат ҳам иқтисодий фойда кўради.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

улардан амалий селекция ишларида самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шу кунларда серҳосил, тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тупроқ иқлим шароитларига мос ўрта толали ғўза навларини яратиш борасида илмий изланишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда олимларимиз томонидан яратилган IV-V типга мансуб бир қатор истиқболли янги «Турон», «Султон», «С-6541», «Наманган-34», «С-9076», «С-6775», «С-8284», «С-8288», «С-2610» навлари 15 минг гектардан ортиқ майдонда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, вилт касаллиги ва ўргимчакканага чидамли, тезпишар янги «С-8288», «С-8286» ва «С-8290» ғўза навлари Наманган ва Андижон вилоятида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқ шароитида толаси IV-типга мансуб «С-9085», «С-8288» ғўза навлари, янги V-тип тола сифатига эга, вилт касаллиги ва гармселга чидамли «Султон» ғўза нави Сурхондарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларида, IV-тип тола сифатига эга, вилт касаллигига чидамли «С-2610» ғўза нави эса Андижон вилоятида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, вилт касаллиги ва ўргимчакканага чидамли, тезпишар янги «С-8288», «С-8286» ва «С-8290» ғўза навлари Наманган ва ишлари амалга оширилмоқда.

МОРАЛЕС ЛАВОЗИМИДА ҚОЛАДИ

Якшанба куни бўлиб ўтган сўров натижаларига кўра, Боливия президенти Эво Моралес ўз лавозимида қолиши учун етарли овоз олди. РИА Новостининг хабар беришича, референдумда Боливия аҳолиси президент ва яна саккиз нафар губернаторга ишонишишонмаслик масаласи бўйича овоз берган. Конституцияга мувофиқ агар референдумда аввалги сайлов натижалари (2005 йил декабрида Моралес 53,7 фоиз овоз олганди)дан кам овоз тўпланса, улар қайта сайланиши керак эди.

Президент бу сафар 56,7 ёки 60,12 фоиз овоз олган, лекин губернаторлардан учтаси лавозимини тарк этадиган бўлди. Тўрт миллион боливияликлар иштирок этган референдумда қонунга хилоф ҳолатлар рўй бермади, деб таъкидламоқда халқаро кузатувчилар.

Эслатиб ўтамиз, шу тарифа Боливия ҳукумати мамлакатни сиёсий тангликдан қутқармоқчи. Боливиянинг бешта музофоти автономияни кенгайтиришни даъво қилиб янги ҳукумат ташкил этмоқчи. Мазкур музофотлар ҳудудида 85 фоиз газ ва 80 фоиз ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилади.



ЭСТОНИЯДА ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК БОШЛАНДИ

2009 йилги бюджет масаласини муҳокама этиш Эстония парламентида катта келишмовчиликка сабаб бўлди. Парламент мамлакат иқтисодиётидаги турғунлик боис 2009 йилги давлат бюджетини кутилаётган ҳажмдан яна 10 млрд. кронга камайтирди. Ҳозир Эстонияда иш ўринлари қисқариши, нархнаво кўтарилиши ва бошқа иқтисодий муаммолар келиб чиқиши кутилмоқда. Мамлакатнинг бир қанча уезд, қишлоқ ва кичик шаҳарлари почтамт, банк, автобус йўналишлари ва дўконлар ёпилишидан жиддий зарар кўрди. Нарх-наво камида 4 фоизга кўтарилиши мумкин.

ХИТОЙ ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТИДАН КАМ ФОЙДАЛАНАДИ

Хитойнинг CNNIC тадқиқотлар ташкилоти маълумотига кўра, мамлакатда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 253 миллионга етган. Шундай қилиб Хитой аввалги етакчи — АҚШдан илгарилаб кетса-да, мамлакат миқёсида бу анча паст кўрсаткич саналади. Аҳолининг бор-йўғи 19,1% глобал тўрдан фойдаланди. Ҳисоб-китоб қилишда 6 ёшдан кичик бўлмаган ва ҳар ой интернет хизматидан фойдаланадиган хитойликлар қайд этилган. Фойдаланувчиларнинг 46,4% аёллардан иборат. Хитойнинг интернет борасидаги яна бир афзаллиги — у аҳолига сифатли интернет хизматини таклиф қилади. Аксарият хитойликлар ADSL алоҳида тармоқ орқали тизимга уланган. Фойдаланувчиларнинг 28,9% уяли телефон орқали глобал тармоққа киради.

ЕВРОПА ТАМАКИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Европа Иттифоқи тамакидан воз кечишни режалаштирмоқда. 2025 йилга келиб, Иттифоқ тамаки маҳсулотлари сотишни тўхтатмоқчи. Европарламент депутатлари бу чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин, деб ҳисобламоқда. Режага биноан ўн беш йилдан кейин Европа Иттифоқи ҳудудида тамаки ишлаб чиқарилмайди ва сотилмайди. Унгача жамоатчилик орасида кенг миқиёсда тушунтириш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган.

Саратон касали бўйича тадқиқотлар ўтказувчи Cancer Research UK компаниясининг ҳисоб-китобига кўра, мазкур касалга чалинганларнинг тўртдан уч қисми тамаки маҳсулотлари сабабли унга гирифтор бўлган. «Бу соҳа тадқиқот натижаларини сохталаштириб, одамлар нотўғри хулоса чиқаришига замин яратмоқда»,— дейди компания раҳбари Жин Кинг.

АРКТИКА ЗАХИРАЛАРИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Арктикада 90 миллиард барелль нефть ва Россияда аниқланган миқдорга тенг газ захираси мавжуд, деб ёзилган АҚШ ҳукуматининг ҳудуд ресурсларини баҳолаш бўйича чоп этган ҳисоботида. Мазкур ҳисобот минтақа устидан назорат ўтказишни истаётган АҚШ, Россия, Дания, Канада ва Норвегия ўртасидаги ўзаро кураш янада жиддий тус олишига сабаб бўлиши мумкин.

АҚШ Геология хизматининг фикрича, жаҳон бўйича аниқланмаган нефть захираларининг 13 фоизи Арктикада жамланган. «Арктиканинг улкан шельфлари ер юзида қолган углеводород захираларини қайта ишлаш учун катта имконият беради», дейди Геология хизмати.

Тижорат тузилмалари ҳам Арктика билан қизиқиб қолишган. Royal Dutch Shell Англия ва Голландия қўшма корхонаси Россияга Ямалада газ ишлаб чиқаришга кўмаклашмоқчи. Аляскани ўзлаштириш борасида АҚШ компаниялари ҳам фаол ҳаракат қилмоқда. Дания эса Гренландия қирғоғидаги нефть ва газ захираларини ўзлаштиришга қатор йирик компанияларни жалб қилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг августида Россия Шимолий қутбда 4 км. чуқурликда қазилма-тадқиқот ишларини бошлаган.

«БУРУНТОВ»ДА ЯНГИ ХОРИЖИЙ ТЕХНИКАЛАР

Мурунтов (Бурунтов) бамисоли очил дастурхон, жавоҳирлар сандиғи. 50 йилки, бағридаги маъдан тўла тоғ жинсларини бераётган мазкур ҳавза асрий Қизилқумни «хазиналар ўлкаси» дея донғини таратди. Айланаси 3-4-5 километргача чўзилган афсонавий зарзамин ҳавзалар чуқурлиги ўтган ярим асрда 520-550 метргача етиб борди.

Хўш, бу каби чуқурликдан юқорига кўтариб берилаётган маъдан аралаш тоғ жинслари қайта ишлаш корхоналарига қандай техника воситалари ёрдамида етиб бормоқда?

Ҳавзада бугунги кунда «дев», «динозавр» деган ўхшатишли сўзлар билан «БелАЗ», «КАТО», «Катернилюнкор» каби ўнлаб русумдаги (ҳар бир ковушида 10-12 тоннагача тоғ жинслари кўтара оладиган) йирик хорижий техникалар мавжуд. Улар Америка, Германия сингари қатор мамлакатларда ишлаб чиқарилган паҳлавон экскаваторлардир. Худди шу воситалар ёрдамида ўз оғирлиги 150-180 тонна бўлган оғир юк кўтарувчи автомобилларга тош, шағал, тупроқ уюмлари конвейер усулида узатиб турилади. Ўз навбатида айни шу техника воситалари маъдан аралаш жинсларни ҳавзадаги айланма йўллар билан 500-550 метр баландликка етказиб ҳам беради...

Юртимиз истиқлолининг 17 йиллиги олдидан биргина «Мурунтов» ҳавзасининг ўзига 17 та яна шундай янги техника воситалари харид қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«НАВОИЙ» АЭРОПОРТИ

«Аэровокзал томини жорий таъмирлаш» объекти бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларнинг тугалланиш муддати — 1,5 ой.
Буюртмачи: — «Навоий» аэропорти.
Манзили: Навоий шаҳри, Малик-работ посёлкаси.
Лойиҳани молиялаштириш «Навоий» аэропортининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй,**
тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

НАВБАҲОР ТУМАН ҲОКИМИЯТИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

«Навбаҳор туман, Бешробод шаҳри, Бобуршоҳ кўчасининг 0-1,48 км.ли автомобиль йўлини таъмирлаш» объекти бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларнинг тугалланиш муддати — 1,5 ой.
Буюртмачи — Навбаҳор туман ҳокимияти ободонлаштириш бўлими.
Манзили: Навбаҳор тумани, Бешробод қўрғони, Навоий кўчаси.
Лойиҳани молиялаштириш маҳаллий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй,**
тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Термиз шаҳридаги 110 ўринли меҳмонхонани (ошхонаси билан) электр энергияси билан таъминлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 260.471 млн. сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган **инвестиция** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: электр тармоқлари қуриш ишларини бажаришга ихтисослашган ҳамда танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

РИШОД СОБИРОВ — ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

У ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада-2008» мусобақаларининг ғолиби. Ришод Собиров 2006 йили Хитой-Тайпейида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати олтин медали совриндори бўлган эди. Ўтган йили эса катталар ўртасида ўтказилган қитъа чемпионатида кумуш медални қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шу боис, халқаро тоифадаги спорт устаси Ришод Собировнинг Пекин олимпиадасига йўлланма олишини тасодифга йўйиб бўлмасди.

Ёзги Олимпия ўйинларида илк маротаба иштирок этишига қарамай, спортчимиз мураббийлар Фурқат Солиев ҳамда Борис Григорьевлар қўл остида нуфузли мусобақага пухта ҳозирлик кўрди. Қуръага кўра, дзюдочимиз дастлабки икки учрашувни Жазоир ва чехиялик спортчиларга қарши ўтказиб, ўзининг Пекин гиламларидаги ғалабаларини нишонлади. Аммо Ришоднинг учинчи даврада жанубий кореялик Чой Миньога қарши кечган беллашуви муваффақиятсиз якунланди. Натижада у олтин медаль учун курашдан чиқиб кетди. Бироқ вакилимиз бронза медали учун давом этган беллашувларда Эрон ва канадалик рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳал қилувчи учрашувда франциялик Дмитри Драгинга қарши гиламга тушди. Ўзига нисбатан бир мунча бўйдор рақиб қаршисида довдираб қолмаган Ришод Собиров ўз маҳоратини намойиш қилиб, Ўзбекистон терма жамоасига илк бронза медалини туҳфа қилди.

— Мен XXIX ёзги Олимпия ўйинларида эришган ушбу муваффақиятимни истиқлолимизнинг ўн етти йиллик байрамига бағишлайман, — деди Ришод Собиров ЎзА мухбирига берган интервьюсида. — Чунки биз, Ўзбекистон ёшлари олимпиададек нуфузли мусобақаларда фаол қатнашиш имкониятига мустақиллик туфайли эришдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ёшлар камолоти ва спортни ривожлантириш йўлида қаратаётган улкан эътибори, кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли мен, оддий қишлоқ йигити жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақасида шоҳсупага кўтарилиш шарафига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг олимпиаданинг очилиш маросимида иштирок этгани ва биз, олимпиячилар билан учрашиб айтган гаплари руҳимизни кўтарди, кучимизга куч қўшди. Мен келажакда ҳам юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилишга аҳд қилганман.

Аслида олимпиадада қатнашишнинг ўзи шараф. Унда ғолиб бўлиш ва совриндорлар қаторидан жой олиш эса ҳар бир кишидан катта маҳорат ва чексиз ирода талаб этади. Муҳтарам Президентимиз «Ирода — аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди», дейдилар. Дарҳақиқат, моҳир дзюдочимиз Ришод Собиров буни амалда кўрсатди. Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб совға ҳозирлади. Бугун бутун Ўзбекистон халқи Ришодни олқишламоқда, Пекинда юрт шарафини улуғлашга чоғланган бошқа фарзандларини дуо қилмоқда. Айни чоғда Ришод Собиров туғилиб ўсган Жондор туманидаги Бўрбоғи қишлоғида одамлар шундай азамат ўғлонни тарбиялаб вояга етказган унинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларини табриклашга ошиқмоқдалар. Моҳир спортчига илк сабоқларни берган мураббий Рустам Тўраевнинг эса кўкси тоғдек юксак.

Пекин майдонларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган 58 нафар спортчимизнинг ҳар бири муносиб иштирок этиш, юқори кўрсаткичларни қайд этиш учун бор маҳоратларини ишга солаётир. Спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда қатнашаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Фокин сафар олдидан берган интервьюсида фақат медаллар учун кураш олиб боришини билдирганди. У мусобақа дастуридан жой олган брусья машқларини бажариш бўйича ўтказилган шахсий биринчилик саралаш учрашувларида мухлису мутахассисларни анча сергак торттирди. Ўзига билдирилган ишончни оқлашга сўз берган Антон хитойлик Ксяопен Ли (16,425) ҳамда Николай Крюков (16,175)лардан кейин учинчи ўринни эгаллаб, жами 16,150 очко жамғарди ва финал босқичида медаллар учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Агар ҳамюртимизнинг саралаш босқичида Япония, АҚШ, Канада, Германия сингари давлатларнинг моҳир спортчиларини анча катта фарқ билан ортда қолдирганлигини ҳисобга олсак, Антон Фокиннинг жаҳон кубоги ва халқаро турнирларда эришган ғалабалари тасодиф эмаслигини билиб олиш қийин эмас.

Мусобақа дастуридан жой олган бокс баҳслари ҳам ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Ҳозиргача моҳир боксчиларимиз Дилшод Маҳмудов (69 кг.) марокашлик, Элшод Расулов (75 кг.) франциялик рақибларини катта устунлик билан енгиб, медаллар учун курашни давом эттиришмоқда. Ўтган йили Чикаго (АҚШ)да ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медали совриндори Аббос Атоев (81 кг.)нинг илк учрашувдаёқ тожикистонлик рақибига ютқазиб қўйганлиги олимпиаданинг кутилмаган натижаси сифатида эътироф этилди.

Кеча бокс бўйича 57 кг. ва 60 кг. вазн тоифасидаги «чарм қўлқоп» усталари рингга кўтарилишди. Унда Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ҳиндистонлик рақиби устидан зафар қучиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Бугун эса юнон-рум кураши, байдарка ва каноэда эшкак эшиш баҳсларига старт берилади.

Эркин ХОЛБОБО,
Анвар ИЛЁСОВ
(«Жаҳон» АА)
олган суратлар.

Қадриятларимиз

«ҲУНАРИМНИ КЎП ЁШЛАР ЭГАЛЛАСА»

— дейди мусиқа асбоблари устаси Иноят бобо ҚОДИРОВ

...Май ойи бошлари. Китоб туманининг Қайнар қишлоғи яқинидаги адирларда тумонат одам йиғилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Асрлар садоси» фестивали чинакам умумхалқ сайлига айланиб кетди. Одамлар ўтовлар ва очиқ майдонларда намойиш қилинаётган нодир буюмлар, халқ амалий санъати намуналарини завқшавқ билан томоша қилишарди. Очиқ саҳнада бахшилар, фольклор дасталари асрлар қаъридан ўтиб, халқимизнинг ўлмас маънавий бойлигига айланган қадимий куй-қўшиқлар, ўйин-лапарларни ижро этишарди. Сайхонликдаги бир жойда ёшланг тўпланиб турганини кўриб, шу томонга йўл олдик. Қарасак, тик ёғочга нафис нақшлари товланаётган кашта тортилган ва турли мусиқа асбоблари илиб қўйилган экан. Чор-атрофдан илтимос-сўровлар ёғиларди:

— Бобо, анави қандай соз?

— Бу рубобми ёки дутор?

— Мана шу дуторингизни чалиб беринг...

Соқоли ўзига ярашган, дўппи кийган бобо кулимсираганча қўлига дутор олди. Ёнидаги ёшлардан бири ғижжак, иккинчиси доирада жўр бўлишди. Ажойиб куй таралди. Кейин билсак, бу киши қаршилик етмиш ёшли моҳир уста Иноят Қодиров экан. Оллоҳ бу инсонга ҳар соҳадан берган: турли созларни бемалол чала олади, яқинда эса шеърий тўплами нашр этилибди.

— Мусиқа асбобларини ясайдиган уста, шубҳасиз, санъатдан хабардор бўлиши керак, — дейди Иноят бобо. — Дутор, тор, доира, рубоб ва бошқа ясаётган мусиқа асбобларимни аввал ўзим чалиб, маромига етказаман. Чунки асбобнинг пардалари қандай оҳанг бера олишини устадан яхшироқ биладиган одам бўлмайди. Бу хислат отамдан ўтган, у киши ҳам санъаткор, ҳам уста бўлган. Отам афғон рубобига ўхшаб кетадиган янги соз ясагани ёдимда.

— Ана у, қўшқулоқли асбобми? — деб сўраймиз устадан. — Дарҳақиқат, ғалати кўринишли экан. Бўлакларини бириктирса, бус-бутун бўладиган мусиқа асбоби ҳақида ҳам ўқиган эдим.

Бу — уд, — дейди бобо. — Қадимги усталар соз яратишда ҳеч эринишмаган. Мен ҳам отам яратган асбобни анча такомиллаштирдим. Бу ҳақиқий ўзбек рубобига айланди-қолди. Сизга айтсам, сознинг шаклига эмас, ундан чиқаётган оҳангларнинг тиниқлигига қараб баҳо беринг. Бунинг боиси шундаки, мусиқа асбоби кўп машаққат ва уринишлар туфайли ясалади. Кўп санъаткорлар олдимга соз ясаб беринг деб келишади. Бундан қувонаман, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Уста билан анча суҳбатлашдик. У киши соз учун қандай дарахт ёғочи кераклиги, қуритиш ва ишлаш усуллари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Таниқли санъатшунос, фестиваль ҳакамлар ҳайъати аъзоси, профессор Рустам Абдуллаев шундай дейди: «Биз нафақат бахшилар санъати, балки турли қадимий созлар оҳангини ҳам тингладик. Қаршидан келган мусиқа асбоблари устаси Иноят Қодировнинг чолғу асбобларини кўрдингизми? Ҳақиқий санъат. Мана шундай қадриятларимизни асраб-авайлашимиз керак».

Ярим тунда фестиваль ғолибларининг номи биринкетин эълон қилина бошлади. Улар орасида кекса устанинг номи айтилганда, хурсанд бўлиб кетдим. Етмиш ёшли Иноят бобо Қодиров «Мусиқа асбоблари ясаш анъаналарини муносиб давом эттираётган уста» йўналиши бўйича ғолиб бўлган эди.

— Ҳали ҳам қўлимдан иш келар экан; — дейди бобо: — Ҳунаримни янада кўпроқ ёшларга ўргатишни истайман. Ўнлаб шогирдларим бор. Набирам Сухробжоннинг анча қўли келиб қолди, ўзи ҳам янгича созлар ясашга интилаяпти. Биз қадимги моҳир усталар анъанасини давом эттириб, кам бўлмадик. Энди бунга болаларимиз ҳам уринишаяпти. Демак, миллий қадриятлар, боболар ҳунари йўқолмайди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: «Асрлар садоси» фестивалининг ғолиби қаршилик етмиш ёшли соз устаси Иноят бобо Қодиров набиралари билан.

Мақсуд ҲАМРОЕВ
олган сурат.

Янги китоб

«ОЛИМПИАДА — ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ»

Хабарингиз бор, шу кунларда Пекинда XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ушбу нуфузли спорт анжуманига юртимиз олимпиячилари ҳам катта тайёргарлик кўришди.

Яқинда эса «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида Эркин Эрназаровнинг «Олимпия — жаҳон спорт байрами» номли китоби босмадан чиқди. Китоб-альбомнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳали республикамизда олимпия тарихи ҳақидаги қомусий маълумотларни ўзида жамлаган шунга ўхшаш китоб чоп этилмаган эди.

«Олимпиада — жаҳон спорти байрами» китоб-альбоми юртимиз ёшларининг маънавий билимларини оширишда, спортга меҳр-муҳаббат қўйишларида ўзига хос маънода қўлланма вазифасини ўтайди. Китобда антик даврдаги дастлабки олимпия ўйинларидан тортиб, 1896 йилда ўтказилган замонавий I Олимпиада мусобақалари, куни-кеча машъаласи ёқилган XXIX Олимпиадагача бўлган улкан давр қамраб олинган.

Шунингдек, унда юртимиздан етишиб чиққан олимпиячилар ҳақида қимматли маълумотлар ҳам ўрин олган. Айниқса, Мустақиллик йилларида Олимпия чемпионлари бўлган спортчилар ҳақида алоҳида сўз юритилган.

Ушбу китоб таълим муассасалари ўқитувчилари, талаба-ёшлар, мутахассислар, олимпия ҳаракати ва спорт билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

Қодир ҚАЮМОВ

Меҳнат фахрийси **Салим ота НАЗАРОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига бир гуруҳ дўстлари чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Фанимиз фидойилари

ФАРМАЦЕВТИКА БИЛИМДОНИ

Орамизда шундай фидойи одамлар борки, улар ҳар доим фарзандлар тақдири, илм-фанимиз ривожи йўлида тинимсиз изланишда бўлишади. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент фармацевтика институти Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Собиржон Аминовдир.

Олим бошқалардан фарқли ўлароқ ўзининг илк илмий ишини фармацевтика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Х.Холматов раҳбарлигида фармакогнозия кафедрасининг талабалар тўгарагида бошлаган эди. Собиржон Аминов Тошкент фармацевтика институтини имтиёзли диплом билан тамомлагач, қисқа муддат ЎзФА тизимида ишлайди. Кейин Москвадаги Элементорганик биринкмалар институтининг аспирантурасига ўқишга киради.

Орадан уч йил ўтгач, номзодлик ишини ҳимоя қилади. Бу ишда ниҳоятда долзарб муаммо ҳал этилади. Илк бор кичик молекулали сирка, пропион кислоталарини этилен билан теломеризация реакцияси натижасида юқори тармоқланган ёғ кислоталари олинади. Энг муҳими, бу изланиш натижаси мутлоқ янги реакция — эркин радикалларни водород атомининг миграцияси орқали қайта тақсимланиши кашф этилди. Юқоридаги реакция бўйича юқори тармоқланган ёғ кислоталари «ВИК» номи билан ишлаб чиқарила бошланади.

Бу йиллар давомида олим фармацевтика илмида жуда кўплаб янгиликларни кашф қилди. Унинг илмий фаолияти, айниқса, мустақиллик йилларида гуллаб-яшнади. У ҳамкасблари билан биргаликда табиий биофаол хомашё — мўмиёни тозалаш, стандартлаш, таблетка ва капсула кўринишидаги дори шаклларини ишлаб чиқаришдек ўта долзарб муаммони ҳал этишга муваффақ бўлди. Чунки бунгача беморлар етарлича тозаланмаган, стандартланмаган, дозаланмаган мўмиёни истеъмол қилишарди. Ҳозир унинг ташаббуси билан мўмиё — 0,1 таблеткаси ва мўмиё асил — 0,5 капсуласи саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда.

Унинг раҳбарлигида фармацевтика амалиётида яна бир устувор вазифа ҳал этилди. Гап шундаки, юртимизда қатор йиллар мобайнида хорижда ишлаб чиқарилган «Смекта» дориси сотиб олинарди. Олим дори хомашёси бўлган бентонит конлари ўзимизда ҳам борлигини, Ибн Сино ўз даврида диареяни даволаганини, заҳарланишларни тузатганини эътироф этади. Шундан сўнг олим бошчилигида «Смекта»дан афзал бўлган «Навбахтит» дориси ишлаб чиқарилади ва фойдаланишга тавсия этилади.

Собиржон Аминовнинг бу каби хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 2007 йилда Президентимизнинг Фармонига кўра «Ўзбекистон фан арбоби» унвони билан тақдирланди. Олим жаҳон фармацевтлар уюшмаси (FIP) аъзоси ҳам. Шунингдек, у 450 дан ортиқ илмий иш, жумладан, 85 та ихтиро, 3 та монография муаллифидир. Олим ҳозир ҳам ҳаловат билмайди. Шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатади, одамларга, юртимга нафим тегсин, дейди.

Бутун умрини фанга — фармацевтика ривожига бағишлаб, кашфиётлар яратиб, кўплаб шогирдлар етказиб келаётган бу инсондан, устоздан, тўғриси, биз шогирдлар фидойиликни, қандай меҳнат қилиш кераклигини ўрганмоқдамиз.

Неъмат ОЛИМОВ,
профессор.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda